



20 17 yil "25" сентябрь

Q-512 - sonli

**Вилоят ҳокимининг 2016 йил
31 декабрдаги 345-қ-сонли
қарорига ўзгартиш киритиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Ижара тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги “Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 102-сонли қарори талаблари асосида, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 17 апрелдаги 1533/02-14-сонли ҳамда вилоят ҳудудий бошқармасининг 2017 йил 25 августдаги 01/18-3268-сонли хатларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2863-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 17 апрелдаги 1533/02-14-сонли ҳамда вилоят ҳудудий бошқармасининг 2017 йил 25 августдаги 01/18-3268-сонли хатлари инобатга олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги ПҚ-2863-сон қарорида кичик тадбиркорлик субъектлари соғлиқни сақлаш муассасаларининг давлат мулкидан фойдаланиши учун ижара тўловининг энг кам ставкасини 20 фоизга қисқартирилиши назарда тутилганлиги эътироф этилсин.

3. Вилоят ҳокимининг 2016 йил 31 декабрдаги “Вилоятда давлат мулкларини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш ҳамда давлат мулки ижара ҳақининг энг кам миқдорини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 345-қ-сонли қарорининг 1-илоvasи 72-позицияси “йиллик энг

кам ставка кв.м./сўм” устунидаги “7650” рақами “6150” рақамига ўзгартирилсин.

4. “Сурхон тонги” ва “Заря Сурхана” газеталари таҳририяти (Р.Раҳимова)га мазкур қарорнинг тўлиқ матнини матбуотда эълон қилиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарор расмий нашрда эълон қилинган кундан кучга кирази.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Боболов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов